

ЁШЛАР ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРИНИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРУВЧИ ОМИЛЛАР (ДЕТЕРМИНАНТЛАР) ВА РИСК ФАКТОРЛАРИНИНГ ТИЗИМЛИ МОДЕЛИ

Хуррамов Алишер Суюнович

©Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги Университети мустақил изланувчиси.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18378993>

Аннотация. Мазкур мақолада ёшлар ҳуқуқбузарликларини келтириб чиқарувчи омиллар (детерминантлар) ва риск факторлари кўп даражали (микро–мезо–макро) тизимли модел доирасида таҳлил қилинади. Ислоҳотлар контекстида “ижтимоий профилактика” тамойилининг мазмун-моҳияти очиб берилиб, ёшлар билан ишлашда жазолашдан кўра уларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиши орқали рискларни минималлаштириши устувор экани асосланади.

Шунингдек, профилактикада “жазолаш модели”дан “риск омиллари” моделига ўтишининг илмий-амалий аҳамияти ёритилади. Ўзбекистон шароитида хос таваккалчилик омиллари (оилада ҳуқуқий тарбия камчиликлари, назоратсиз рақамли муҳит, ҳудудий номуносиблик, профилактиканинг манзилли эмаслиги) тизимлаштирилади. Мақола хулосасида мактабларда ҳуқуқий таълимни кучайтириши, 7–11-синфлар учун ҳуқуқ ва криминология элементлари модулини жорий этиши ҳамда таълим ташкилотларида ҳуқуқий тарбия/медиация механизмларини институционаллаштириши бўйича таклифлар келтирилади.

Калит сўзлар: Ёшлар ҳуқуқбузарлиги; детерминант; риск фактори; тизимли модел; ижтимоий профилактика; микро–мезо–макро даража; оила–мактаб–тенгдошлар; рақамли муҳит; кибержиноятчилик; маҳалла институти; риск-парадигма; ҳуқуқий таълим; медиация; профилактиканинг манзиллийлиги.

ДЕТЕРМИНАНТЫ И ФАКТОРЫ РИСКА МОЛОДЁЖНОЙ ДЕЛИНКВЕНТНОСТИ: СИСТЕМНАЯ МОДЕЛЬ И ИНТЕГРИРОВАННЫЕ МЕХАНИЗМЫ ПРОФИЛАКТИКИ

Аннотация. В статье анализируются детерминанты и факторы риска молодёжной делинквентности в рамках многоуровневой (микро–мезо–макро) системной модели. Обосновывается актуальность принципа «социальной профилактики», предполагающего приоритет не карательных мер, а устранение социальных и экономических проблем молодёжи как способ минимизации рисков правонарушений.

Показано значение перехода от «модели наказания» к парадигме «факторов риска» при проектировании адресных интервенций. Для условий Узбекистана систематизированы ключевые риски: дефициты правового воспитания в семье, рост неконтролируемой цифровой среды, территориально-социально-экономические диспропорции и недостаточная адресность профилактических мероприятий. В выводах предложены меры по усилению правового образования в школе, поэтапному внедрению модуля «Основы права и элементы криминологии» (7–11 классы) и институционализации правового воспитания и медиации в образовательных организациях.

Ключевые слова: молодёжная делинквентность; детерминанты; факторы риска; системная модель; социальная профилактика; микро–мезо–макро уровни; семья–школа–сверстники; цифровая среда; киберпреступность; махалля; риск-парадигма; правовое образование; медиация; адресная профилактика.

DETERMINANTS AND RISK FACTORS OF YOUTH DELINQUENCY: A SYSTEMIC MODEL AND INTEGRATED PREVENTION MECHANISMS

Abstract. This paper examines the determinants and risk factors of youth delinquency through a multi-level (micro–meso–macro) systemic model. Within the current reform context, it highlights the “social prevention” principle, emphasizing risk reduction by addressing young people’s social and economic problems rather than relying primarily on punitive responses. The study also discusses the practical value of shifting from a punishment-centered approach to a risk-factor paradigm in designing targeted interventions. For Uzbekistan, the paper systematizes key risk drivers, including deficiencies in family-based legal education, the expansion of an uncontrolled digital environment, territorial socio-economic imbalances, and insufficiently targeted prevention measures. The conclusions propose strengthening school-based legal education, introducing a phased “Foundations of Law and Elements of Criminology” module for grades 7–11, and institutionalizing legal upbringing and mediation practices within educational institutions.

Keywords: youth delinquency; determinants; risk factors; systemic model; social prevention; micro–meso–macro levels; family–school–peers; digital environment; cybercrime; community (mahalla); risk-factor paradigm; legal education; mediation; targeted prevention.

Бугунги глобаллашув ва жамиятнинг рақамли трансформацияси шароитида ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси нафақат ҳуқуқий, балки миллий хавфсизликни таъминлашнинг стратегик устувор йўналишига айланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Биз учун энг муҳим масала — ёшларимизнинг маънавий олами, уларнинг онги ва қалбини ёт гоълардан ҳимоя қилиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтиришидир”¹. Ушбу вазифа ёшлар жиноятчилигини шунчаки оқибат билан курашиш орқали эмас, балки уни келтириб чиқарувчи тизимли омилларни (детерминантларни) чуқур илмий таҳлил қилиш орқали ҳал этишни тақозо этади.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2024 йил 20 июнь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича мутлақо янги тизим — “Ижтимоий профилактика” тамойили илгари сурилди². Бунда асосий эътибор ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги бўлган ёшлар билан ишлашда “жазолаш” эмас, балки уларнинг ижтимоий ва иқтисодий муаммоларини ҳал этиш орқали риск факторларини минималлаштиришга қаратилган. Шу нуқтаи назардан, диссертациянинг мазкур параграфида ёшлар ҳуқуқбузарликлари детерминантларини тизимли модель сифатида ўрганиш илмий жиҳатдан ниҳоятда долзарбдир.

Президент Ш.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгиланган вазифалар доирасида ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, “Ёшлар дафтари” ва “маҳалла еттилиги” тизими орқали манзилли ишлаш механизмлари йўлга қўйилди³.

¹ Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: “O‘zbekiston” нашриёти, 2021 й. 248 – б.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти раислигида 2024 йил 20 июнь куни ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилиши материаллари.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги «Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисида»ги ПФ-158-сон Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.09.2023 й., 06/23/158/0694-сон.

Бирок, амалиёт кўрсатмоқдаки, ҳуқуқбузарликларнинг келиб чиқишида нафақат иқтисодий, балки психологик, тарбиявий ва ахборот-мафкуравий омилларнинг ўзаро синтези мавжуд. Бу эса ёшлар жиноятчилиги детерминациясини фақат бир томонлама эмас, балки *микро*, *мезо* ва *макро-даражадаги* омилларнинг тизимли боғлиқлиги (Systemic Model) доирасида тадқиқ этиш заруриятини туғдиради.

Шу нуқтаи назардан, ёшлар ҳуқуқбузарликларининг шаклланишига таъсир этувчи детерминантлар ва риск омилларининг илмий-назарий асосларини чуқур таҳлил қилиш, айниқса маҳаллий ва хорижий ҳуқуқшунос олимларнинг концептуал ёндашувлари асосида ўрганиш, тадқиқотнинг илмий асосланганлиги ва методологик мукамаллигини таъминлайди. Бундай қиёсий-назарий таҳлил ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликка мойилликни вужудга келтирувчи ижтимоий, психологик, иқтисодий ва ҳуқуқий омилларни тизимли англаш, шунингдек, профилактика чора-тадбирларини илмий жиҳатдан асослаш имконини беради.

Хусусан, хорижий олимлардан *У.Бронфенбреннер* фикрига кўра, инсон ривожланишини шахснинг ўзи яшаётган муҳит билан динамик муносабати сифатида белгилаб, тизимлар ўртасидаги ўзаро алоқаларни (мезотизим) ривожланиш учун ҳал қилувчи омил деб ҳисоблайди. Унинг қарашига кўра, ҳар бир бола камида битта унга содиқ бўлган ва унинг ривожланишига масъул катта ёшли шахсга (ҳимоя омили) муҳтождир⁴. Тизимли моделнинг криминологик жиҳатлари *Д.Фаррингтон* томонидан ишлаб чиқилган Интеграциялашган когнитив антисоциал потенциал (ICAP) назариясида ўз аксини топган. Олим жиноят содир этиш сабабларини ўрганишда иккита асосий саволни ўртага ташлайди: “*Нега одамлар ҳуқуқбузар бўлади?*” ва “*Нега улар айнан маълум бир вазиятда жиноят содир этади?*”. Олим узок муддатли антисоциал потенциални (моделлаштириш, ижтимоийлашув) ва қисқа муддатли потенциални (вазиятга боғлиқ мотивация) фарқлайди. Унинг тадқиқотларига кўра, паст академик ўзлаштириш ва оилавий низолар узок муддатли антисоциал потенциалнинг шаклланишига бевосита ҳисса қўшади⁵.

Шунингдек, Ўзбекистонлик ҳуқуқшунос олимлар ёшлар жиноятчилиги детерминантларини миллий менталитет ва ижтимоий институционал назорат (оила, маҳалла) контекстида тадқиқ этганлар. Жумладан, *М.Х.Рустамбаев* ва *С.С.Ниёзова* оилавий муҳитнинг виктимологик таъсирини ўрганиб, оиладаги ижтимоий носоғлом муҳит, бола манфаатларига зид ҳаракатлар ва ота-онанинг эътиборсизлиги (neglect) шахсда ҳуқуққа хилоф хулқ-атворга мойилликни келтириб чиқарувчи бирламчи детерминант эканлигини таъкидлайдилар. Олимларнинг фикрича, оилавий зўравонлик боланинг ижтимоийлашув жараёнини бузиб, уни девиант траекторияга йўналтиради⁶. *Б.А.Миразов* эса ёшлар ҳуқуқбузарликларининг олдини олишда ижтимоий-психологик омиллар ва тарбиявий жараёндаги бўшлиқларни тизимли равишда таҳлил қилади. Унинг қарашига кўра, вояга етмаганларнинг қонуний вакиллари томонидан етарлича назорат қилинмаслиги ва жамоатчиликнинг эътиборсизлиги ҳуқуқбузарлик содир этилишининг асосий шарт-шароитларидан биридир⁷.

⁴ Bronfenbrenner U. The Ecology of Human Development. – Harvard University Press, 1979. – Б. 3, 9, 164.

⁵ Farrington D.P. The Integrated Cognitive Antisocial Potential (ICAP) Theory // Integrated developmental and life-course theories of offending. – New Brunswick: Transaction, 2005. – Б. 73, 78.

⁶ Rustambayev M.X., Niyozova S.S. Viktimologiya: Umumiy qism. Darslik. – Toshkent: JXU, 2021. – Б. 239.

⁷ Mirazov B.A. Voyaga etmaganlar jinoyatchiligi determinantlari // Journal of Science-Innovative Research. – 2024. – Б. 88.

Бундан ташқари, М.К.Ўразалиев эса ҳуқуқбузарликларнинг келиб чиқишида вояга етмаганлар шахси шаклланишининг иккита механизмини фарқлайди: ташкилий ва давомли ижтимоий амалиётдир. Шунингдек, олимнинг ҳулосасига кўра, шахс шаклланишининг ғоят муҳим босқичида тарбия ва муайян ижтимоий муҳит таъсири детерминация жараёнида ҳал қилувчи роль ўйнайди⁸.

Юқорида келтирилган олимларнинг илмий назарий қарашларини таҳлилдан келиб чиқиб, бугунги кунда ёшлар ҳуқуқбузарликларини ўрганишда тизимли ёндашув индивидни бир-бирига киритилган ижтимоий тизимларнинг бир қисми сифатида қарашни назарда тутди. Бу соҳадаги энг нуфузли концепциялардан бири *Бронфенбреннернинг* экологик тизимлар назарияси бўлиб, у ёшларнинг ҳулқ-атвори ва фаровонлиги концентрик даражалар кўринишида ташкил этилган ижтимоий муҳит таъсирида шаклланишини таъкидлайди⁹. Бу ёндашув рисклар ҳақидаги турли маълумотларни ягона тузилмага бирлаштиришга ёрдам беради, бунда ҳар бир даража бошқасига таъсир қилади.

Бунда тизимли модель доирасида ўзаро таъсирнинг қуйидаги даражаларга ажратилади:

1. *Микротизим: шахсга бевосита таъсир кўрсатадиган оила, тенгқурлар ва мактаб каби бевосита муҳит.*

2. *Мезотизим: микротизимнинг турли элементлари ўртасидаги ўзаро таъсирлар мажмуи (масалан, ота-оналар ва ўқитувчилар ўртасидаги муносабатлар).*

3. *Экзотизим: ёш шахсга бевосита таъсир қилмайдиган, лекин унинг ҳаётига таъсир этувчи ижтимоий тузилмалар (ота-онанинг иш жойи, маҳаллий ҳокимият органлари, ҳуқуқий тизим).*

4. *Макротизим: жамиятнинг кенг маданий меъёрлари, қонунлари, иқтисодий шароитлари ва ижтимоий қадриятлари.*

5. *Хронотизим: вақт омили, шу жумладан индивид ҳаётидаги ўзгаришлар ва кенгроқ ижтимоий-тарихий трансформациялар¹⁰.*

Ушбу тузилма криминологларга макро даражадаги ўзгаришлар (масалан, иқтисодий инқироз ёки жамиятнинг рақамлашиши) микротизимлар (оила) орқали қандай акс этишини ва оқибатда ёш шахснинг индивидуал танловига қандай таъсир қилишини таҳлил қилиш имконини беради. Тизимли таҳлил, шунингдек, “мультипликатив эффект” нинг муҳимлигини таъкидлайди: турли даражадаги риск омиллари нинг тўпланиши жиноят содир этиш эҳтимолини геометрик прогрессияда оширади. Масалан, олти ёки ундан ортиқ таваккалчилик омилига дучор бўлган ўн ёшли бола, фақат битта омилга дуч келган болага қараганда, 18 ёшга тўлгунига қадар зўравонлик ҳаракатларини содир этиш эҳтимоли 10 баравар юқори бўлади¹¹.

Тизимли моделнинг марказий тушунчаси “ёшга доир жиноятчилик эгри чизиги” (age-crime curve) ҳисобланади. Кўпгина жамиятларда кузатиладиган ушбу универсал қонуният ҳуқуқбузарликларнинг тарқалиши болаликнинг охирида ўсишни бошлашини, ўсмирлик даврида (15 ёшдан 19 ёшгача) энг юқори чўққисига чиқишини ва кейин 20

⁸ Ўразалиев М.К. Вояга етмаганлар жиноятчилигининг сабаблари нимада? // ЎЗА. – 2022. – 29 май.

⁹ Applying ecological systems theory to juvenile legal system interventions outcomes research: a measurement framework // [Frontiers | Applying ecological systems theory to juvenile legal system interventions outcomes research: a measurement framework](https://doi.org/10.3389/fpsyg.2023.1177568)

¹⁰ <https://www.frontiersin.org/journals/psychology/articles/10.3389/fpsyg.2023.1177568/full>

¹¹ Michael Shader, Ph.D., is a Social Science Program Specialist in the Office of Juvenile Justice and Delinquency Prevention's (OJJDP's) Research and Program Development Division // <https://www.ojp.gov/pdffiles1/ojdp/frd030127.pdf>

ёшнинг бошларида пасайишини кўрсатади¹². Ушбу эгри чизикнинг тизимли таҳлили муҳим жиҳатларни очиб беради. Чунки, зўравонлик жиноятлари учун эгри чизик одатда мулкый жиноятларга қараганда кечроқ чўққисига чиқади, қизларда эса бу чўққи ўғил болаларга қараганда эртароқ содир бўлади¹³.

Профилактиканинг самарали моделларини ишлаб чиқиш учун ҳуқуқбузарликни эрта бошлаганлар (12 ёшгача) ва девиант хулқ-атвори фақат ўсмирлик даврида намоён бўлганларни ажратиш жуда муҳимдир. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, эрта бошлаган (“early-onset”) ҳуқуқбузарларнинг катта ёшда сурункали жиноятчи бўлиш эҳтимоли анча юқори¹⁴. Шу билан бирга, ёшларнинг салмоқли қисми (40 фоиздан 60 фоизгача) катта ёшга етганда ҳуқуқбузарлик содир этишни тўхтатади, бу эса ижтимоий тизимга ўрнатилган дезистенция (жиноий фаолиятни тўхтатиш) омиллари мавжудлигини кўрсатади¹⁵.

Тизимли моделнинг биринчи даражаси ҳуқуқбузарликларнинг ички детерминантлари бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлган индивидуал хусусиятларга қаратилган. Бу омилларга генетик мойиллик, ривожланишнинг биологик хусусиятлари ва шахснинг психологик хусусиятлари киради.

Криминологлар биологик детерминантлар ва кейинги хулқ-атвор ўртасидаги боғлиқликка алоҳида эътибор беришади. Масалан, истиқболли тадқиқотларда зўравон жиноятчиларнинг 80 фоизида туғруқ асоратлари юқори бўлганлиги аниқланган (*жиноят содир этмаганларда бу кўрсаткич 47 фоиз*)¹⁶. Бу биологик заифликлар ноқулай ижтимоий муҳит билан ўзаро таъсирга киришиб, агрессив хулқ-атвор ривожланиши учун замин яратиши мумкин. Шунга қарамай, *тизимли модель биология* — бу тақдир эмаслигини таъкидлайди; эмпатия ва катталарни хурсанд қилишга тайёрлик каби просоциал хислатлар биологик рискларга қарши кучли буфер бўлиб хизмат қилиши мумкин¹⁷.

Когнитив омиллар ҳам ҳал қилувчи рол ўйнайди. Интеллектуал ривожланишдаги камчиликлар ва мактабдаги паст ўзлаштириш кўпинча жиноятчилик йўлига эрта кириш билан боғлиқ. Бошқа томондан, юқори интеллект ва яхши академик қобилиятлар ёшларга атроф-муҳитнинг ноқулай шароитларини муваффақиятли енгиб ўтишга ёрдам берадиган муҳим ҳимоя омилларидир¹⁸.

Тизимли моделда оила хулқ-атвор асослари қўйиладиган энг муҳим микротизим сифатида қаралади. Оила билан боғлиқ детерминантларни таркибий (*оила таркиби, ҳажми*) ва функционал (*муносабатлар сифати, тарбия усуллари*) га бўлиш мумкин.

Тадқиқотлар оиладаги зиддиятлар ва дисфункцияни ёшлар делинвентлигининг асосий предикторлари сифатида доимий равишда аниқлайди¹⁹. Болаларга нисбатан шафқатсиз муомала, жисмоний ёки эмоционал зўравонлик, шунингдек, боланинг эҳтиёжларига эътибор бермаслик кейинчалик антисоциал хулқ-атворга айланадиган чуқур

¹² From Youth Justice Involvement to Young Adult Offending // <https://nij.ojp.gov/topics/articles/youth-justice-involvement-young-adult-offending>

¹³ <https://nij.ojp.gov/topics/articles/youth-justice-involvement-young-adult-offending>

¹⁴ Gail A. Wasserman, Kate Keenan, Richard E. Tremblay, John D. Coie, Todd I. Herrenkohl, Rolf Loeber, and David Petchu “Risk and Protective Factors of Child Delinquency” // <https://www.ojp.gov/pdffiles1/ojdp/193409.pdf>

¹⁵ From Youth Justice Involvement to Young Adult Offending // ўшаа манбаа

¹⁶ Risk Factors for Delinquency: An Overview by Michael Shader

¹⁷ Risk & Protective Factors // What are Risk and Protective Factors?

¹⁸ Risk and Protective Factors and Interventions for Reducing Juvenile Delinquency: A Systematic Review // <https://www.mdpi.com/2076-0760/12/9/474>

¹⁹ Youth Violence, Crime and Juvenile Justice // <https://doi.org/10.3390/socsci12090474>

психологик жароҳатларни келтириб чиқаради. *Тревис Хиришининг* ижтимоий назорат назариясига кўра, ҳуқуқбузарликлар кўпинча ота-оналар билан кучли ижтимоий алоқаларни ўрната олмаслик натижасидир²⁰.

Оилавий рискнинг тизимли омилларига қуйидагилар киради:

- *Ноадекват ёки изчил бўлмаган тарбия усуллари (ҳаддан ташқари қаттиққўллик ёки назоратнинг мутлақо йўқлиги).*

- *Ота-оналарда жинсий ўтмишининг мавжудлиги ёки улар томонидан психоактив моддалар истеъмол қилиниши.*

- *Оилавий можаролар ва уйдаги зўравонликнинг юқори даражаси.*

- *Камбағаллик ва оиланинг паст ижтимоий-иқтисодий ҳолати*²¹.

Ота-оналарнинг антисоциал хулқ-атвори ижтимоий ўрганиш механизмлари орқали бола учун намуна бўлиб хизмат қиладиган “*жинсий ворислик*” айниқса хавфли омил ҳисобланади. Бироқ, тизимли модель салбий таъсири зарарсизлантиришга қодир бўлган муҳим ҳимоя омилларини ҳам ажратиб кўрсатади. Она ёки ота билан яқин эмоционал боғлиқлик, ота-оналар томонидан сифатли мониторинг ва авторитар (лекин адолатли) тарбия услуги жинсий фаолиятга жалб қилиниш эҳтимолини сезиларли даражада камайтиради²².

Улғайиш жараёнида оила таъсири тенгдошлар ва мактаб муҳитининг таъсири билан тўлдирилади, баъзан эса алмаштирилади. Ушбу босқичда тизимли модель муҳим ўтишни қайд этади. Агар болаликнинг эрта даврида асосий детерминантлар индивидуал ва оилавий омиллар бўлса, ўсмирлик даврида уйдан ташқаридаги ижтимоий алоқалар биринчи ўринга чиқади²³.

Ҳуқуқбузарлар билан мулоқот қилиш ёшлар жиноятчилигининг энг кучли предикторларидан биридир. Тенгдошлар нафақат жиноят содир этиш учун имконият яратади, балки конун бузилишини оқлайдиган кадрятлар тизимини ҳам шакллантиради.

Тўдалар ва ёшлар гуруҳларида қатнашиш содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг оғирлиги ва такрорийлигини оширади²⁴. Қизиғи шундаки, тизимли модель бу омилни динамик сифатида кўриб чиқади: катта ёшда никоҳ қуриш ва оила пайдо бўлиши кўпинча девиант тенгдошлар билан ўтказиладиган вақтнинг қисқариши ҳисобига жинсий фаолиятнинг тўхташига олиб келади²⁵.

Мактаб дефицити — ўқишга иштиёқнинг пастлиги, ўзлаштиришнинг ёмонлиги ва ўқитувчилар билан зиддиятлар — жиддий риск омили сифатида намоён бўлади. Мактаб нафақат таълим маркази, балки просоциал интеграция платформаси вазифасини ҳам бажаради. Мактабнинг ўқувчиларнинг академик ва ижтимоий-эмоционал эҳтиёжларини қондира олмаслиги уларнинг бегоналашишига ва антисоциал доиралардан тан олинмиш излашига олиб келиши мумкин²⁶.

²⁰ Ўша манбаа: <https://www.mdpi.com/2076-0760/12/9/474>

²¹ Global Health Services and Administration, The School of Business, University of Maryland Global Campus, Adelphi, MD 20774, USA

²² Conceptualization, H.Z.; methodology, H.Z.; software, R.V.; validation, H.Z.; investigation, A.A., R.V. and A.N.P.; resources, A.A., R.V. and A.N.P.; writing—original draft preparation, A.A., R.V. and A.N.P.; writing—review and editing, A.A., R.V., A.N.P. and H.Z.; supervision, H.Z.; project administration, A.A.; funding acquisition, H.Z. All authors have read and agreed to the published version of the manuscript.

²³ <https://youth.gov/>

²⁴ U.S. Department of Justice Office of Justice Programs Office of Juvenile Justice and Delinquency Prevention

²⁵ <https://youth.gov/youth-topics/juvenile-justice/risk-and-protective-factors>

²⁶ https://www.researchgate.net/publication/228817298_Understanding_Young_Offenders-_Developmental_Criminology

Аксинча, мактаб ҳаётига жалб қилинганлик ва педагоглар билан қўллаб-қувватловчи муносабатларнинг мавжудлиги кучли ҳимоя механизми бўлиб хизмат қилади²⁷.

Ёшлар жиноятчилигининг тизимли модели макро даражадаги омилларни ҳисобга олмасдан тўлиқ бўлмайди. Буларга ижтимоий-иқтисодий тенгсизлик, маданий қарашлар ва давлат институтлари ишининг сифати киради. Ёшлар муаммолари кўпинча кенг жамият инкирозларининг аксидир.

Иқтисодий бекарорлик, ишсизлик ва жиноятчилик даражаси юқори бўлган ноқулай ҳудудларда яшаш девиант хулқ-атвор қонуний имкониятлар йўқлигига мослашиш усулига айланадиган муҳитни яратади²⁸. Жамиятнинг *ижтимоий дезорганизацияси* — ижтимоий институтлар (*маҳалла, клублар, маҳаллий жамоалар*) самарали назоратни таъминлай олмаса — ёшлар жиноятчилигининг ўсиши билан бевосита боғлиқ²⁹.

Маданий омиллар, *масалан*, ОАВда зўравонликни улуғлаш, “*пулга сизгиниш*” ва коррупция кадриятларининг тарқалиши ёшлар учун салбий намоиш эффектлари яратади, уларнинг ҳаёт фалсафаси ва дунёқарашини бузади³⁰. Бундай шароитда ёшларнинг ҳукуқий онги цинизм ва қонунга ҳурматсизлик асосида шаклланади.

Ўзбекистон Республикаси контекстида ёшлар жиноятчилиги ва унинг профилактикаси миллий анъаналар, ҳукуқий тизимни ислоҳ қилиш жараёни ва минтақанинг ижтимоий-демографик хусусиятлари билан боғлиқ ўзига хос детерминантларга эга. Тизимли таҳлил шуни кўрсатадики, сўнгги йилларда вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг ўсиш динамикаси кузатилди, бу эса давлат томонидан шошилинч чоралар кўришни талаб қилди.

Кўрсаткич / Характеристика	Ўзбекистон бўйича маълумотлар³¹ (2022-2024 йй.)
Ўсиш динамикаси (2022 й.)	14% га кўпайиш
Ўсиш динамикаси (2023 й.)	17% га кўпайиш
Жорий ҳолат (2024 й.)	Барқарорлашиш ва 1,5% га камайиш
Асосий жиноят турлари	Ўғрилик, безорилик, фирибгарлик, гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятлар

Ўзбекистон профилактика моделининг ўзига хос хусусиятларидан бири “*маҳалла*” институтидан тизимли назорат ва қўллаб-қувватлаш элементи сифатида фойдаланишдир.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, оиладаги анъанавий тарбия усуллари маҳалладаги жамоатчилик назорати билан биргаликда жиноятчиликни жиловловчи асосий омиллар

²⁷ <https://youth.gov/youth-topics/juvenile-justice/risk-and-protective-factors>

²⁸ <https://www.frontiersin.org/journals/psychology/articles/10.3389/fpsyg.2023.1177568/full>

²⁹ <https://youth.gov/youth-topics/juvenile-justice/risk-and-protective-factors>

³⁰ Preventing and Reducing Juvenile Delinquency with the Organizational Advantages of the CYL // https://www.researchgate.net/publication/266645034_Preventing_and_Reducing_Juvenile_Delinquency_with_the_Organizational_Advantages_of_the_CYL

³¹ Journal of Learning on History and Social Sciences 2(3):222-231

ҳисобланади. Бироқ, ота-оналарнинг меҳнат миграцияси ва оила ичидаги алоқаларнинг заифлашиши каби замонавий муаммолар янги рискларни келтириб чиқармоқда³².

Ўзбекистон учун хос бўлган таваккалчилик омиллари:

- оилаларда ҳуқуқий таълим ва тарбия тизимидаги камчиликлар;
- назоратсиз рақамли муҳитнинг ўсиши, бу ёшларни кибержиноятчиликка жалб қилишига ёрдам беради³³;
- ҳудудларни ривожлантиришидаги ижтимоий-иқтисодий номутаносибликлар;
- давлат органлари томонидан профилактика тадбирларининг етарлича манзилли эмаслиги³⁴.

Ушбу рискларни зарарсизлантириш учун Ўзбекистонда “Фидокор ёшлар” жамоат патруллари ва профилактика инспекторлари ёрдамчилари (“Маҳалла посбони”) фаолияти каби ташаббуслар фаол жорий этилмоқда, бу эса микротизим даражасида жамоат хавфсизлигини оширишга хизмат қилади³⁵.

Тизимли модель нафақат ҳуқуқбузарлик сабабларини тушунтиради, балки жиноий турмуш тарзидан чиқиш йўллари ҳам таклиф қилади. Дезистенция жараёни кўпинча ёш шахс ҳаётида янги ижтимоий алоқалар ва мажбуриятларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлиб, улар конформизмга қизиқиш уйғотади.

Ёшлар жиноятчилигини олдини олишнинг асосий омилларига қуйидагилар киради:

1. *Барқарор иш билан таъминланиш*: Иш нафақат даромад келтиради, балки вақтни тизимлаштиради ва жиноят содир этиш имкониятларини камайтиради³⁶.

2. *Никоҳ ва сифатли оилавий муносабатлар*: Оила қуриш ва турмуш ўртоғи билан бирга яшаш ёш эркаклар орасида жиноятчилик даражасини сезиларли даражада камайтиради³⁷.

3. *Ҳарбий хизмат*: Муайян шароитларда армия интизомни таъминлайдиган ва ўтмишдаги салбий муҳит билан алоқани узадиган институт бўлиб хизмат қилиши мумкин³⁸.

Шу билан бирга, ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизими (*ИИО, Миллий гвардия, прокуратура, судлар ва Жазони ижро этиш муассасалари*) билан алоқанинг ўзи кейинги жиноятчиликнинг детерминантига айланиши мумкин. Стигматизация³⁹ ва озодликдан маҳрум қилиш жойларида бўлиш кўпинча руҳий саломатликнинг ёмонлашишига, академик ютуқларнинг пасайишига ва просоциал алоқаларнинг узилишига олиб келади, бу эса рецидивни (қайталанишни) келтириб чиқаради⁴⁰.

³² Prevention and Prophylaxis of Youth Delinquency and Peculiarities of Appointing Punishment to Minors during a Pandemic // January 2021 Psychology and Education Journal 58(1):1043-1049

³³ https://www.researchgate.net/publication/396314697_JUVENILE_DELINQUENCY_CAUSES_LEGAL_ANALYSIS_AND_PREVENTIVE_MEASURES

³⁴ https://www.researchgate.net/publication/349383039_Prevention_and_Prophylaxis_of_Youth_Delinquency_and_Peculiarities_of_Appointing_Punishment_to_Minors_during_a_Pandemic

³⁵ Ziyoda Turabaeva “Prevention and Prophylaxis of Youth Delinquency and Peculiarities of Appointing Punishment to Minors during a Pandemic” // Tashkent State University of Law

³⁶ [Archived | From Youth Justice Involvement to Young Adult Offending | National Institute of Justice](#)

³⁷ Ўша манбаа: [Archived | From Youth Justice Involvement to Young Adult Offending | National Institute of Justice](#)

³⁸ Ўша манбаа: [Archived | From Youth Justice Involvement to Young Adult Offending | National Institute of Justice](#)

³⁹ Одамни хатоси, ҳолати ёки ўтмиши учун жамият “тамғалайди” ва шу сабабли унга иш, ўқиш, муносабат, хизматлар каби имкониятларда адолатсиз тўсик қўяди.

⁴⁰ Preventing and Reducing Juvenile Delinquency with the Organizational Advantages of the CYL

Шу муносабат билан, замонавий тизимли профилактика моделлари кўпроқ озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазо чораларини қўллашга мойил бўлмоқда⁴¹.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, бугунги кунда ёшлар жиноятчилигининг самарали профилактикаси кўп даражали бўлиши ва аниқланган барча детерминантларга таъсир қилиши керак. Жазолаш моделидан “*риск омиллари*” моделига (risk factor paradigm) ўтиш девиант хулқ-атворнинг аниқ сабабларига қаратилган аралашувларни ишлаб чиқиш имконини беради⁴².

Илмий назарий ёндашувлар ва юқори сифатли эмпирик далиллар шуни кўрсатадики, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик (айниқса рецидивизм)ни барқарор пасайтириш учун интервенция бир манзилли эмас, балки *оила–мактаб–тенгдошлар муҳитини* бир вақтнинг ўзида қамраб олувчи *комплекс (мультикомпонент) терапевтик дастурлар* кўринишида ташкил этилганда самарадорлик ортади. Хусусан, *Мульти тизимли терапия* моделида ўсмирнинг муаммоли хулқ-атвори унинг шахсий хусусиятларигина эмас, балки оилавий назорат, таълим муассасасига боғлиқ интизомий-академик омиллар, тенгдошлар таъсири ҳамда маҳалла/жамоа ресурслари билан боғлиқ рисклар кесишувида шаклланади, деган ғоя асос қилиб олинади. Шунинг учун *мульти тизимли терапия* интервенцияси ота-онанинг тарбиявий шарҳини кучайтириш, мактаб билан ҳамкорликни тизимлаштириш, салбий тенгдошлар таъсирини чеклаш ва конфликтларни ҳал этиш кўникмаларини ривожлантириш каби йўналишларни параллел равишда амалга оширади. Узоқ муддатли кузатув натижалари *мульти тизимли терапия* иштирокчиларида жинойий фаолиятнинг кейинги даврда сезиларли камайганини тасдиқлайди: рандомизацияланган клиник синовнинг 13–16 йиллик кузатувида *мульти тизимли терапия* гуруҳида рецидивизм даражаси индивидуал терапия гуруҳига нисбатан паст бўлган, шунингдек ҳибслар сони ва озодликдан маҳрум этиш муассасаларида ўтказилган кунлар миқдори ҳам камайгани қайд этилган⁴³. Бундан ташқари, 22 йиллик (ўртача) “*midlife*” фоллоу-ап таҳлили *мульти тизимли терапия* таъсири катта ёш давригача сақланиши мумкинлигини кўрсатиб, *мульти тизимли терапия* гуруҳида оғир жиноятлар бўйича рецидивизм пастроқ эканини ва айрим кўрсаткичларда ҳуқуқбузарлик частотаси анча камайганини ёритади⁴⁴.

Комплекс ёндашувнинг яна бир самарали кўриниши — *кўп ўлчовли терапевтик васийлик оиласи* бўлиб, у хулқ-атвор муаммолари чуқур бўлган ва “group care”/институционал муҳитга тушиб қолиш хавфи юқори ўсмирлар учун *структураланган васийлик муҳитини* яратади: изчил қоидалар, рағбат–санкция мувозанати, доимий мониторинг ва мутахассислар супервизияси орқали ўсмирнинг кундалик ижтимоий муҳити қайта ташкил қилинади. Камерал далиллар *кўп ўлчовли терапевтик васийлик оиласи* гуруҳли муассасаларга нисбатан киёсланганда жинойий мурожаатлар (“criminal referrals”) камайиши ва қариндошлар билан яшашга қайта интеграция кўрсаткичлари

⁴¹ Applying ecological systems theory to juvenile legal system interventions outcomes research: a measurement framework

⁴² Michael Shader, Ph.D., is a Social Science Program Specialist in the Office of Juvenile Justice and Delinquency Prevention’s (OJJDP’s) Research and Program Development Division

⁴³ Schaeffer C.M., Borduin C.M. *Long-term follow-up to a randomized clinical trial of multisystemic therapy with serious and violent juvenile offenders. Journal of Consulting and Clinical Psychology.* 2005;73(3):445–453.

⁴⁴ Sawyer A.M., Borduin C.M. *Effects of multisystemic therapy through midlife: a 21.9-year follow-up to a randomized clinical trial with serious and violent juvenile offenders. Journal of Consulting and Clinical Psychology.* 2011;79(5):643–652.

яхшиланишини тасдиқлайди⁴⁵ 3. Амалиёт нуқтаи назаридан, кўп ўлчовли терапевтик васийлик оиласи модели “инсон капиталига сармоя” сифатида ҳам баҳоланади: айрим иқтисодий ҳисоб-китобларда кўп ўлчовли терапевтик васийлик оиласи бўйича *benefit-to-cost* нисбати ижобий экани кўрсатилган (масалан, маълум таҳлилда бир иштирокчига тўғри келувчи фойда-харажат нисбати 5,28 атрофида)⁴⁶.

Шу билан бирга, функционал оилавий терапия оилавий муносабатлар, мулоқот сифати, тарбиявий назорат ва муаммони ҳал қилиш механизмларини кучайтиришга қаратилган далилга асосланган интервенция сифатида тавсифланади. Функционал оилавий терапиянинг муҳим илмий хусусияти — натижа кўп жиҳатдан моделга содиқлик (*fidelity/adherence*) даражасига боғлиқлиги: йирик амалиёт шароитида ўтказилган тадқиқотларда функционал оилавий терапия таъсири терапевтнинг протоколга амал қилиши юқори бўлган ҳолатларда сезиларлироқ намоён бўлиши қайд этилган⁴⁷. Айнан шу “*fidelity*” омили иқтисодий баҳолаларда ҳам аниқ кўринади: Blueprints маълумотларига кўра, функционал оилавий терапия компетент (яъни моделга содиқ) тарзда амалга оширилганда 1 доллар харажатга 10,69 доллар фойда (жиноят харажатларининг олдини олиш ҳисобига) тўғри келган. Шунингдек, компетентлик паст бўлганда эса иқтисодий самара аксинча салбий бўлиши мумкин⁴⁸. Демак, юқорида келтириб ўтилган дастурлардан фойдаланишда асосий методологик хулоса шундан иборатки бўладики, бунда интервенция самараси “дастур номи” билан эмас, балки тизимли қамров (оила–мактаб–тенгдошлар) ва амалга ошириш сифати (*fidelity*, кадрлар тайёргарлиги, идоралараро ҳамкорлик) билан бевосита белгиланади; шунинг учун миллий амалиётга татбиқ этишда стандартлар, мониторинг ва баҳолаш индикаторларини олдиндан норматив ва ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш зарур

Юқоридаги илмий назарий таҳлиллардан келиб чиқиб, янги Ўзбекистонда профилактика тизимини такомиллаштириш учун интеграциялашган ҳуқуқий ва ижтимоий механизмларни жорий этиш зарур. Асосий эътибор қуйидагиларга қаратилиши керак. Хусусан, таълим тизимини ислоҳ қилишда халқаро тажриба (масалан, Германиядаги “Мақтабда қонун” ташаббуси, жиноятчиликни 28% га камайтирган)га суяниш орқали мактабларда ҳуқуқий таълим ва криминология асослари бўйича дастурларни жорий этиш⁴⁹ мақсадга мувофиқдир.

Дарҳақиқат, бугунги кунда янги Ўзбекистонда амалдаши янги таҳрирдаги Конституцияга кўра давлат бепул умумий ўрта таълимни кафолатлаши ва умумий ўрта таълим мажбурий эканлиги, шунингдек умумий ўрта таълим давлат назоратида экани белгиланган⁵⁰.

⁴⁵ Chamberlain P., Reid J.B. *Comparison of two community alternatives to incarceration for chronic juvenile offenders. Journal of Consulting and Clinical Psychology*. 1998;66(4):624–633.

⁴⁶ Washington State Institute for Public Policy. *Return on Investment: Evidence-Based Options to Improve Statewide Outcomes (July 2011 Update)*.

⁴⁷ Sexton T., Turner C.W. *The Effectiveness of Functional Family Therapy for Youth with Behavioral Problems in a Community Practice Setting. Journal of Family Psychology*. 2010;24(3):339–348.

⁴⁸ Blueprints Programs (Center for the Study and Prevention of Violence). *Functional Family Therapy (FFT) — Cost-Benefit Analysis*

⁴⁹ Normatov D. K. Objective: This study aims to analyze the underlying causes of juvenJUVENILE DELINQUENCY: CAUSES, LEGAL ANALYSIS, AND PREVENTIVE MEASURES

⁵⁰ Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси // <https://lex.uz/uz/docs/6445145>

Демак, умумий ўрта таълим мазмунини жамият хавфсизлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш эҳтиёжларига мос равишда янгилаш — давлатнинг конституциявий мажбуриятларидан келиб чиқадиган табиий ва қонуний йўналиш ҳисобланади.

Шу маънода, “Таълим тўғрисида”ги Қонунда умумий ўрта таълимнинг мазмуни ва босқичлари белгиланиб, умумий ўрта таълимнинг узлуксиз ва мажбурий тарзда амалга оширилиши назарда тутилган⁵¹. Қонуннинг ўзидан келиб чиқадиган ҳуқуқий ҳулоса шуки, агар умумий ўрта таълим мажбурий бўлса, у нафақат академик билимлар, балки *ҳуқуқий саводхонлик ва фуқаролик масъулияти* каби ижтимоий барқарорлик учун зарур компетенцияларни ҳам қамраб олиши лозим.

Бундан ташқари, давлат сиёсати даражасида ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг “*таянч механизми*” сифатида айнан таълим-тарбиянинг тизимли ва узвийлиги, мактабгача таълимдан бошлаб ҳуқуқий онгни чуқур сингдириш вазифаси қўйилган⁵². Мазкур сиёсий-ҳуқуқий талабдан келиб чиқиб, мактабларда ҳуқуқий таълимни институционаллаштириш (*яъни алоҳида тарғибот ёки даврий тадбирлар даражасида эмас, балки давлат таълим стандартида мажбурий ўқув натижалари сифатида*) профилактиканинг барқарор “*ядроси*”ни шакллантиради.

Айни пайтда миллий қонунчиликда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фақат жазолаш ёки назорат эмас, балки *ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чоратадбирлар тизими* экани таърифланган⁵³. Қонун профилактиканинг асосий вазифалари қаторида **жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш**, қонунийликни мустаҳкамлаш каби йўналишларни ҳам бевосита белгилайди⁵⁴. Демак, таълим тизими орқали ҳуқуқий таълимни кучайтириш — профилактика тўғрисидаги қонуннинг “*мақсад-вазифа*” логикасига тўлиқ мос келади ва унинг ижросини таъминловчи институционал ечим ҳисобланади.

Таклиф этилаётган “*Ҳуқуқ асослари ва криминология элементлари*” (ёки “*Мактабда ҳуқуқ*”) модули жорий этилиши, биринчи навбатда, ўқувчиларда **ҳуқуқий иммунитет**ни шакллантиришга хизмат қилади: ҳуқуқий нормаларга ҳурмат, шахсий ва жамоат манфаатлари мувозанати, зўравонликка мурасасиз муносабат, низоларни тинч ҳал қилиш (медиация маданияти), интернет муҳитидаги ҳуқуқий масъулият каби компетенциялар эрта ёшдан барқарор ҳулқ-атвор стандартларини яратади. Бу эса профилактиканинг илмий назариясидаги “*эрта аралашув*” тамойилига мувофиқ равишда риск омилларини илк босқичда нейтраллаштириш имконини беради.

Ушбу нормани айнан “*Таълим тўғрисида*”ги Қонунда мустаҳкамлаш юридик-техника нуқтаи назаридан ҳам асослидир. Чунки давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш тизими қонунда белгиланган бўлиб, умумий ўрта таълим стандартларини ишлаб чиқиш ваколати тегишли вазирлик зиммасига юклатилган⁵⁵.

⁵¹ Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси // <https://lex.uz/docs/5013007>

⁵² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “*Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида*”ги ПФ- 5618-сон Фармони

⁵³ Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси // <https://lex.uz/docs/4149765>

⁵⁴ Ўзбекистон Республикасининг “*Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида*”ги ЎРҚ-371-сон Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси // <https://lex.uz/docs/2387357>

⁵⁵ Ўзбекистон Республикасининг “*Таълим тўғрисида*”ги ЎРҚ-637-сон Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси // <https://lex.uz/docs/5013007>

Шу сабабли 9-моддага мажбурий ўқув натижаларини (ҳуқуқий саводхонлик ва фуқаролик масъулияти) киритиш — стандартлар орқали бутун мамлакат бўйлаб бир хил, ўлчанадиган ва мониторинг қилинадиган натижани таъминлайди.

Нихоят, 9¹-модда (“*таълим ташкилотларида ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқий таълим*”) киритиш таклифи ҳуқуқий таълимни фақат фан сифатида ўқитиш билан чекламай, унинг профилактик “*инфратузилмаси*”ни ҳам белгилаб беради. Шунингдек, ҳуқуқий тарбия дастурлари, профилактик тренинглари ва медиация кўникмалари — таълим муҳитида ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарувчи низо, буллинг, девиант хулқ-атвор каби омилларни камайтиришга хизмат қилади. Бундай ёндашув профилактикани “*фақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш*” функцияси сифатида эмас, балки таълим муассасасига интеграциялашган комплекс ижтимоий-ҳуқуқий механизм сифатида қарор топтиради.

“9¹-модда. Таълим ташкилотларида ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқий таълим

Таълим ташкилотлари ўқувчиларда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш мақсадида ҳуқуқий тарбия дастурларини амалга оширади.

Таълим ташкилотларида профилактик тренинглари, ҳуқуқий ахборот-тушунтириш ишлари, низоларни тинч ҳал қилиш (медиация) кўникмаларини ривожлантириш ҳамда хавфли (риск) хулқ-атворни барвақт аниқлаш ва олдини олиш чоралари қўлланилади. Ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқий таълимни ташиқил этиш тартиби, модуларнинг мазмуни, ўқув-методик таъминоти ҳамда педагог кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш механизмлари ваколатли давлат органлари томонидан белгиланади.”

Мазкур қонун лойиҳасини қабул қилиниши келажакда:

Биринчидан, мазкур қонун лойиҳасини қабул қилиш натижасида умумий ўрта таълим давлат таълим стандартларида ҳуқуқий саводхонлик ва фуқаролик масъулияти “мажбурий ўқув натижалари” сифатида мустаҳкамланади ҳамда ҳуқуқий тарбия акциявий-эпизодик тадбирлардан чиқиб, тизимли ва узлуксиз таълим сиёсатига айланади.

Натижада ўқувчиларда қонунга ҳурмат, ҳуқуқ ва бурчлар мувозанати, жамоат қоидаларига риоя қилиш, адолат ва жавобгарлик каби барқарор ҳуқуқий қадриятлар эрта ёшдан шаклланиб, ҳуқуқий онгинг институционал ўсиши таъминланади.

Иккинчидан, 7–11-синфларда “*Ҳуқуқ асослари ва криминология элементлари*” (ёки “*Мактабда ҳуқуқ*”) модулини босқичма-босқич жорий этиш орқали профилактика реактив (ходисадан кейинги) ёндашувдан проактив (эрта аралашув ва эрта огоҳлантириш) моделига яқинлашади. Бу риск омилларини (буллинг, тажовузкор хулқ-атвор, гуруҳ таъсири, интернетдаги ҳуқуқбузарликлар, аддиктив хулқ) илк босқичда аниқлаш ва нейтраллаштириш имкониятларини кенгайтиради, мактаб муҳитида ҳуқуқбузарликларга олиб келувчи сабаблар билан манзилли ишлаш механизмини кучайтиради.

Учинчидан, қонунга киритилаётган 9¹-модда доирасида ҳуқуқий тарбия дастурлари, профилактик тренинглари ҳамда медиация (низоларни тинч ҳал қилиш) кўникмаларини шакллантириш чоралари ҳуқуқий асосга эга бўлиши натижасида мактабда конфликтларни бошқариш маданияти, мураса ва конструктив мулоқот компетенциялари ривожланади. Бу эса ўқувчилар ўртасидаги низоларнинг маъмурий-интизомий жазога айланиб кетиш ҳолатларини қисқартириш, буллинг ва зўравонликка нисбатан профилактик иммунитетни кучайтириш, шу орқали таълим муассасасида хавфсиз ва барқарор ижтимоий муҳитни қарор топтиришга хизмат қилади.